

**АЛИШЕР НАВОЙНИНГ МУСИҚАГА ОИД ҒАЗАЛЛАРИНИНГ
ПЕДАГОГИК ТАХЛИЛИ****Алланазарова Дилобархон Бахромовна**

Фарду 2 курс магистранти

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7223414>

Аннотация. Мазкур мақола Алишер Навоийнинг мухаббат мавзусида ёзилган ошиқона ғазалларидан бирига мурожат қилинади. Шунингдек, ғазалдаги лирик сюжет ошиқ яъни лирик қахрамон висол учун ваъда берган севикли ёрини кутиш изтироблари тасвири асоси қурилиши, асар етти байтдан иборат бўлиб, барча байтлар матлада қўйилган мавзунини мақтагача изчил ёритишга сафарбар этилган намуналарни амалда таҳлил қилишга эришилган.

Калит сўзлар: ишиқ, кўнгил, пир, тасаввуф, байт, ғазал, шарият, тариқат, ошиқ

**ПЕДАГОГИЧЕСКИЙ АНАЛИЗ МУЗЫКАЛЬНЫХ ГАЗАЛЕЙ АЛИШЕРА
НАВОИ**

Аннотация. В данной статье речь идет об одной из любовных газелей Алишера Навои, написанных на тему любви. Также в основе лирического сюжета газели лежит образ страданий ожидания любимой жены, обещанной влюбленного, то есть лирического героя. Произведение состоит из семи строк.

Ключевые слова: ишиқ, сердце, пир, мистицизм, стих, газель, шарият, тарикат, влюбленный.

PEDAGOGICAL ANALYSIS OF ALISHER NAVOI'S GHAZALS ON MUSIC

Abstract. This article refers to one of Alisher Navoi's love ghazals written on the theme of love. Also at the heart of the lyrical plot of the ghazal lies the image of the suffering of waiting for the beloved wife, the promised lover, that is, the lyrical hero. The work consists of seven stanzas.

Key words: love, heart, pir, mysticism, verse, ghazal, sharia, tariqat, lover

КИРИШ

Ғазал бадиий қурилмаси жихатидан воқеабанд ғазаллар туркумига мансубдир. У муайян ҳаётий воқеа таъсири ва турткиси билан яратилганлиги сабабли ҳам воқеабанддир. Ғазалдаги лирик сюжет ошиқ яъни лирик қахрамон висол учун ваъда берган севикли ёрини кутиш изтироблари тасвири асосига қурилган. Асар етти байтдан иборат бўлиб, барча байтлар матлада қўйилган мавзунини мақтагача изчил ёритишга сафарбар этилган[1].

Алишер Навоий мукамал лирик куллиёти – “Хазойин ул-маоний”га асарларини умр фаслларида мувофиқ тақсимлаб киритганида, “Ул сарви гулрў келмади” ғазали “Бадоеул-васат”, яъни “Ўрта ёш гўзалликлари” девонидан ўрин олган бўлса ҳам, аслида, у шоирнинг ёшлик лирикаси маҳсулидир. Чунки ғазал Навоийнинг “Илк девон”и ҳамда иккинчи расмий девони “Наво дирун-нихоя” девонларида ҳам мавжуд. Улуғ шоирнинг ижодий такомили давомида ғазалнинг матний таркибига бирор жиддий таркибий ўзгартириш киритмаган. Ғазал шоирнинг илк лирикаси маҳсули эканлиги шундан далолат берадики, у йигитлик ишқининг нозик саргузаштлари, дунёвий мухаббатнинг оташин эҳтирос ва туйғулари билан ёзилган. Мазкур далил эса ғазал мазмунини сунъий равишда “ишқи ҳақиқий”га боғлаб талқин этишимизга асос бермайди[2;25].

ТАДҚИҚОТ МАТЕРИАЛЛАРИ ВА МАТОДОЛОГИЯСИ

Матла байтда ҳижрондан шикоят мавзуси очилган. Тасвирдан англашиладики, кеча бораман деб висолга ваъда берган севикли ёр ўз вақтида келмай қолади. Яъни, ваъдасига вафо қилмайди. Висолга умидвор ошиқнинг кўзларига тонг отгунча уйку келмайди.

У ёрини тонг отгунга қадар ҳам умидвор кутади. Аммо ёр тонготарда ҳам келмайди. Ушбу ғазал шарҳларида “кеча” сўзини турлича тушуниш туфайли, уни воқеа содир бўлган кечкурун ёки шоир изтироблари ифодаланган кундан олдинги кун (ўтган кун) каби талқинлар учрайди. Бироқ ғазал мазмунидан, айниқса, учинчи байтдан аниқ англашилиб турибдики, ваъда ва унинг ижросига интизорлик ғазал ёзилгандан аввалги кун воқелигидир. Матлада ғазал лирик сюжетининг яхлит мундарижаси ўзининг умумий аксини топган. Кейинги байтларда ошиқнинг ваъда олган ойдин кундан то тонггача изтиробда ўтган қалб кечинмалари байтма-байт батафсил тасвир этилади. Иккинчи байтдаги тасвирга кўра, лирик қаҳрамон дам-бадам ёр йўлига чиқиб, уни интизор кутади. Келавермагач, яна манзилига қайтади. Яна бесабру бетоқат бўлиб ёр йўлига чиқиб кўз тутаяди. Аммо ёрдан ҳамон дарак бўлмайди. Мутолаа жараёнида оддий мухлисларимиз “чектим йўлида интизор” шоирона сўз бирикмасини тушунишга қийналадилар. Айримларида “ёр йўлида интизор ошиқ нима чекди экан?” қабилидаги савол ҳам туғилади. Бунга сабаб шуки, Навоий даври тил ифодалари бугунги тилимиздан ўзгачароқ. Аслида, юқоридаги сўз бирикмасидаги учта сўзнинг айнан ўзини ҳозирги тил тузилишида ифодаласак, бугунги ўқувчи учун тушунарли, аниқ мазмун келиб чиқади: “йўлида интизорлик чекдим”. Ошиқ ёрини чуқур изтироб билан сабрсиз кутаверганидан, жони оғзига келади. Бу ўринда шоир “жони оғзига келмоқ” халқ иборасини маҳорат билан қўллайди. Уни қўллашдан мақсад фақат фразеологизмни мазмунга мутаносиб равишда ишлатиш эмас, балки тазод – қаршилантириш санъатини вужудга келтиришдир. Тазод ошиқ ва маъшук ҳолатлари ўртасидаги зидликни ифодалашга сафарбар этилади: ошиқнинг жони оғзига келади, бироқ маъшуқа келмайди, у ошиқнинг аҳволига лоқайд, бепарво.

ТАДҚИҚОТ НАТИЖАЛАРИ

Байтдаги “шўхи бадхў” ибораси эътиборга сазовор. Ғазал шарҳловчиларининг луғат ва изоҳларида “бадхў” сўзининг “ёмон одатли”, “ёмон феълли”, “ёмон қилиқли” каби маънолари берилади. Ҳақиқатан ҳам, бу сўз форс тилидан олинган бўлиб, “бад” – “ёмон”, “хў” – “феъл-атвор” маъноларини англатади. Бироқ, ошиқнинг муҳаббатига сазовор севиклига нисбатан “бадқилиқ” сифати жуда дағал туюлади. Агар ёри чиндан ҳам “бадфеъл” бўлганида, Навоий лирик қаҳрамони уни севмаган бўларди. Биз шоирнинг “шўх” сўзини ҳам назардан соқит қилмаслигимиз лозим. Назаримизда, шоир ушбу иборани ҳазил-мутойиба аралаш эркалаш маъносида қўллаган. Негаки, висолга ваъда бериб, ўз вақтида келмай, ошиқнинг сабр-тоқати, иродаси, садоқатини синаш ҳар бир қизга хос ҳаётий хусусият. Шу боисдан, унинг “бадхў”лиги ваъда бериб, ваъдасида турмаслиги, холос.

Кейинги байт мазмунини шоир “тажохули ориф” санъати асосига қуради. Ёрнинг ваъда қилинган вақтда келмаганлиги сабабини тусмоллайди, таажжуб изҳор этади: агар ёр кун худди унинг мунаввар жамолидек ёруғ бўлганида, биров кўриб қолишидан уялиб, андиша қилиб, шарм-ҳаё, эҳтиёт юзасидан келмаган бўлса, айрилиқ азобидан зулмат қоплаган менинг ҳаётимдек тун қоронғу бўлганида ҳам келмади-я?! Байтда яна тазод

санъати яратилган: ёрнинг юзи (оразини) – нурафшон, ошиқнинг хаёти (рўзғори) эса қоп-қоронғу.

Тўртинчи байтда лирик қаҳрамоннинг аҳволи муболағали тасвирланади. У кута-кута тоқати-тоқ бўлиб, мажнунга айланади.

Пари сифат ёрим ҳажрида шундай девоналарча фарёд чекиб йиғладимки, – дейди ошиқ, – менинг бу аҳволимни кўрганда кулгиси келмаган бирор кимса бормикин? Бу байт мазмуни ифодасида шоирнинг яна бир бадиий маҳорати шундаки, у халқ хаётида учрайдиган типик тафсилга ишора қилади. Одатда, одамлар кўчадаги девона-жиннинг хурмача қилиқларига беихтиёр кулишади. Шунингдек, байтда йиғи ва кулги ҳолатлари асосида ифодаланган тазод санъати ҳам бадииятни кучайтирган.

Бешинчи байтда лирик қаҳрамоннинг руҳий ҳолати тасвири муболағали тарзда давом этади. Унинг аҳволига ҳайрон қолганларга лирик қаҳрамон: бунча кўз ёшларингни оқизасан, дея таъна-маломат қилманглар, – дея илтижо этади, – кўзларимдан ҳижрон кечаси сув оққани йўқ, келгани бариси юрак қонлари эди. Муболағадан ташқари, кўзлардан сув ўрнига қон оқиши маълум даражада тазодни ҳам ташкил этади.

МУҲОКАМА

Олтинчи байт оддий ғазалхон мутолааси учун бирмунча мураккаброкдир. Аммо Навоий даври ўзбек тили ва шеърий тилининг ўзига хос грамматик қурилишини билган одам уни осонгина тушуниб олади. Ушбу байтни тўғри тушунмасдан, мактаб дарсликларидида “бегона байт” дея талқин этиш ҳолатлари ҳам бор. Аммо, адабиётшуносликда ҳам, хусусан, ғазалшуносликда ҳам “бегона байт” деган тушунча мавжуд эмас. Одатда, мактадан олдинги байтда шоир лирик чекиниш тарзида бирор фалсафий хулоса, теран умумлашма фикр баён этади. Лекин у ғазал байтларининг мазмунан изчиллигига раҳна солмайди. Олдинги байтларга мантқан боғланган бўлади. Бундай байтда изчил ёритилаётган мавзу юзасидан хулоса, ҳукм чиқарилади. Муаммонинг фалсафий ечими баён этилади. Мазкур байтда ҳам худди шундай ҳодисани кузатиш мумкин. Маълумки, олдинги байтларда лирик қаҳрамон, яъни ошиқ ҳижрондан шикоят қилиб келаётган эди. У заиф ва нолакор бир вазиятда турибди. Байтда шоир ошиқнинг бундай мавқеига танқидий муносабат билдиради. “Толиби содиқ”, яъни садоқатли талабгор топилмас экан, дея фикр юритади шоир. Ваъдага вафосиз ёрнинг жабру ситамларидан оҳ-воҳ чекиш билан кифояланиш чинакам ошиқнинг иши эмас. “Йўқса”, яъни бўлмаса, ёрнинг йўлига ким “аввал”, яъни биринчи бўлиб журъатли, дадил қадам қўйдиким, унинг маъшуқаси рўпарасидан пешвоз чиқмади?! Ёр дийдорига садоқатли талабгор журъатли, жасоратли бўлиши лозим. Чинакам ошиқлик табиати шундай бўлади! Ошиқлик журъат, жасорат, фидойилик, керак бўлса, қурбонликни талаб этади.

Тугалланма байтда шоир май образига мурожаат этади. Лирик қаҳрамонни ҳижронзада кўнгил уйини бода билан шод-хуррам этишга чорлайди. Нима учунким, кўнгил уйи шод-хуррамлик билан обод экан, унга қайғу яқин йўлай олмайди. Бу ўринда бода майпарастликни ифодаламайди, албатта. У қайғуга қарши шодлик рамзи, тазод унсури сифатида қўлланган.

ХУЛОСА

Хулоса қилиб айтганда, “Ул сарви гулрў келмади” ғазали Навоий лирикасининг шоҳ асарларидан биридир. Ғазалнинг “Муножот” куйи билан ашула қилиб айтилиши халқимизнинг энг севимли асарларидан бирига айланишига сабаб бўлган. Муножотнинг

мунгли навоси Навойнинг ҳазин навоси билан шу қадар бир-бирига мос тушиб, уйғунлашиб кетганки, ашула маҳоратли мақом устаси, халқимизнинг суюкли хонандаси Бертахоним Давидова томонидан биринчи марта радио орқали ижро этилганида, шаҳару кишлоқлардаги радиокарнайлардан янграганида, юриб бораётган одам борки, тўхтаб, вужудлари кулоқ бўлиб тинглаган. Ҳатто, ашуланинг номи ҳам “Муножот”га айланиб кетган. Кейинчалик бу ашулани Юнус Ражабий, Ориф Алимахсумов, Муҳаммаджон Каримов, Муножот Йўлчиева, Маҳмуджон Тожибоев сингари маҳоратли ҳофизларимиз ҳам қиёмига етказиб қўйлаганлар.

Умуман, мусиқий савод чиқарган бирор санъаткор борки, бу ашулани ижро этмай қолмаган, десак муболаға бўлмас. Шу боисдан, халқимизнинг бирорта назм ва наво давраси, тўй ва бошқа тадбирлари “Муножот” ашуласи наволарисиз ўтмайди. Ҳазалнинг мусиқий талқини ундаги дард ва мазмунни минг чандон ошириб юборган ҳамда асарнинг мумтозу машҳур бўлишига омил бўлган.

REFERENCES

1. Навоий Алишер. Мукамал асарлар тўплами. 20 томлик. 3-том.
2. Ҳазойин ул-маоний. Ғаройиб-ус-сиғар. -Тошкент: Фан, 1988, 25-бет.
3. Жомий А. Осор. Дар 8 жилд. Жилди I. - Душанбе: Адиб, 1986, 99-саҳ.
4. Дехлавий Амир Хусрав. Осори мунтахаб. Дар чаҳор жилд. Жилди чаҳорум. - Душанбе: Ирфон, 1975, 812-саҳ.
5. Қуръони Карим. -Тошкент: Чўлпон, 1992, 297 –бет.
6. Ҳамсат ул-мутаҳаййирин. -Тошкент: Фан, 1999, 69-бет.
7. Ҳаққулов И. Тасаввуф ва шеърият. -Тошкент: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1991, 132-бет.
8. Навоий Алишер. Лисон ут-тайр. -Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1991, 244-бет.
9. Mannopov, S., Karimov, A., Qurbonova, B., & Dilobar, J. (2022, February). THE EMERGENCE AND DEVELOPMENT OF MUSIC. In *Archive of Conferences* (pp. 49-52).
10. SultonaliMannopov, A., AbdusalomSoliev, U., & TokhirShokirov, R. (2021). Development of Uzbek National Singing Art during Independence. *Annals of the Romanian Society for Cell Biology*, 6845-6853.
11. Abdulhay Karimov Tursinovich, & Alijon Ergashev Abdullayevich. (2022). MILLIY-AN'ANAVIY MUSIQIY CHOLG'U SOZLARINING TASNIFI. *Archive of Conferences*, 245-248. Retrieved from <https://conferencepublication.com/index.php/aoc/article/view/2096>
12. Ahmadjon Nurmuhamedjanov, & Ismoiljon Rustamov (2022). YOSHLARNING IJTIMOY FAOLLIGIDA MADANIYAT VA SAN'AT MUASSASALARIDAGI TO'GARAKLARNING O'RNI. *Science and innovation*, 1 (C2), 48-50. doi: 10.5281/zenodo.657842
13. Rustamov, I. (2022). The Place of Doira Instrument in Uzbek National Art. *Eurasian Journal of Humanities and Social Sciences*, 5, 74-77
14. Madina Nasretdinova, Ismoil Rustamov, & Oybek Karimov (2022). MUSIQA SAN'ATINING HOZIRGI KUNDAGI O'RNI. *Scientific progress*, 3 (2), 841-845.

15. Исаков Улуғбек Тўхтасинович (2022). ЎЗБЕК МУСИҚА МАДАНИЯТИ РИВОЖЛАНИШ ЖАРАЁНЛАРИНИНГ НАЗАРИЙ-МЕТОДОЛОГИК АСОСЛАРИ, МАНБАЛАРИ ҲАМДА УНИ ЎРГАНИШНИНГ АҲАМИЯТИ. *Science and innovation*, 1 (1), 625-636. doi: 10.5281/zenodo.6529117
16. Murodova, D. (2021). Scientific And Theoretical Aspects of Musical Thinking. *Zien Journal of Social Sciences and Humanities*, 1 (1), 196-199.
17. Durdona, M. (2021, May). ABOUT DUTOR AND HIS PERFORMANCE. In *Archive of Conferences* (Vol. 25, No. 1, pp. 29-31).
18. Nasritdinova, M., Nigora, M., & Murodova, D. (2022, February). UZBEK FOLK ART AND ITS PLACE IN PUBLIC LIFE. In *Archive of Conferences* (pp. 44-48).
19. Nasretdinova, M., Toshaliyev, D., & Murodova, D. R. Q. (2022). AN'ANAVIY IJROCHILIK SAN'ATINING HOZIRGI DAVR MUAMMOLARI. *Scientific progress*, 3(2), 846-850.
20. Murodova, D. (2021). THE CONCEPT OF MUSICAL THINKING AND ITS STAGES OF DEVELOPMENT. *Galaxy International Interdisciplinary Research Journal*, 9(05), 245-250.
21. Nurmuhammadovich, R. O., & Nurullaevna, N. M. (2021). Social And Spiritual Importance of Lessons of Musical Culture. *Journal of Pedagogical Inventions and Practices*, 2(2), 50-52.
22. Nasritdinova, M., & Khokimova, K. (2021, October). LANGUAGE IS THE MIRROR OF THE NATION. In *Archive of Conferences* (pp. 92-94).
23. Nurullayevna, N. M., & Muhlisa, T. (2021, December). SOME PROBLEMS AND SHORTCOMINGS IN THE HIGHER EDUCATION SYSTEM. In *Archive of Conferences* (pp. 61-62).
24. Nasretdinova, M., Isakov, U. B., & Orziboyev, R. (2022). XALQ IJODIYOTINI RIVOJLANTIRISH ISTIQBOLLARI. *Scientific progress*, 3(2), 851-856.
25. Nasritdinova, M. (2021). PEDAGOGICAL COMPONENTS AND STAGES OF HEALTH OF DEVELOP CHILDREN THROUGH MUSIC EDUCATION. *Galaxy International Interdisciplinary Research Journal*, 9(05), 251-258.
26. Мадина Насритдинова (2022). МУСИҚА ТАЪЛИМИ ОРҚАЛИ РИВОЖЛАНИШИДА СОҒЛОМ БОЛАЛАРДАН ОРТДА ҚОЛГАН БОЛАЛАРНИ СОҒЛОМЛАШТИРИШНИНГ ПЕДАГОГИК ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШГА ДОИР ТАЖРИБА-СИНОВ ИШЛАРИ НАТИЖАЛАРИ. *Science and innovation*, 1 (1), 538-549.
27. Jo'Rayev Xamidjon, & Madina Nasritdinova (2022). DOIRA CHOLG'USIDA IJRO MAHORATINI YUKSALTIRISH (BOLALAR MUSIQA VA SAN'AT MAKTABLARI MISOLIDA). *Science and innovation*, 1 (C2), 26-28. doi: 10.5281/zenodo.663646
28. Abdulhay Karimov Tursinovich, & Alijon Ergashev Abdullayevich. (2022). MILLIY-AN'ANAVIY MUSIQIY CHOLG'U SOZLARINING TASNIFI. *Archive of Conferences*, 245-248. Retrieved from <https://conferencepublication.com/index.php/aoc/article/view/2096>
29. SultonaliMannopov, AbdulhayKarimov, AbdusalomSoliev, UlugbekIsakov, TokhirShokirov, RustamOrziboev. (2021). Development of Uzbek National Singing Art

- during Independence. *Annals of the Romanian Society for Cell Biology*, 6845 –. Retrieved from <https://www.annalsofrscb.ro/index.php/journal/article/view/3280>
30. Mannopov, S., Karimov, A., Qurbonova, B., & Dilobar, J. (2022, February). THE EMERGENCE AND DEVELOPMENT OF MUSIC. In *Archive of Conferences* (pp. 49-52).
 31. Professor Sultanali Mannopov, Abdulkhay Karimov, Shohida Ataboeva, Alijon Ergashev, & Shokhista Usmanova. (2021). Development Of Symphonic Music in Uzbekistan. *Journal of Pedagogical Inventions and Practices*, 2(2), 53–56. Retrieved from <https://zienjournals.com/index.php/jpip/article/view/259>
 32. Ergashev, A., Ataboyeva, S., Djalalova, N., & Usmonova, S. (2021). THE ROLE OF COMPOSERY IN THE ART OF NATIONAL SINGING. *Galaxy International Interdisciplinary Research Journal*, 9(12), 863-867.
 33. Juraevna, A. S., Abdumalikovna, Y. D., & Xusanovna, D. N. (2021). MODERN SOCIAL AND PEDAGOGICAL FUNCTIONS OF MUSIC ART AND EDUCATION. *Journal of Ethics and Diversity in International Communication*, 1(1), 57-59.
 34. Маннопов, С. (2018). Навобохш оҳанглар. Т.: IJOD-PRESS наириётми.
 35. Маннопов, С. У. Л. Т. О. Н. А. Л. И. (2004). Ўзбек халқ мусиқа маданияти. *Янги аср авлоди*.
 36. Rahmonov, U., Ergashev, A., Nazhmetdinova, M., & Usmonova, S. (2021, November). IN THE FORMATION OF THE SOCIO-SPIRITUAL THINKING OF YOUNG PEOPLE IN THE MUSICAL ART OF THE GREAT SCHOLARS OF THE EASTERN RENAISSANCE POSITION HELD. In *Archive of Conferences* (pp. 36-39).
 37. Асқарова, М., Намозова, Д., Мадаминов, Н., & Алихонова, Д. (2020). PSYCHOLOGICAL FEATURES OF PREPARING CHILDREN FOR SCHOOL. *Scientific Bulletin of Namangan State University*, 2(7), 402-407.
 38. Nomozova, D. (2020). THE IMPORTANCE OF TEACHING VOCABULARY IN STAGES. *Архив Научных Публикаций JSPI*.
 39. Namozova, D. T. (2021). MUSIQA DARSLARIDA O'QUVCHILARNI KREATIVLIK HAMDA ERKIN TAFAKKURINI SHAKLLANTIRISHNI TASHKIL ETISH. *Scientific progress*, 2(2), 1313-1315.
 40. Namozova Dilorom, & Astanova Zumradxon Tohirovna (2022). BRAYL NOTA TIZIMINING MUSIQA TA'LIMIDAGI ILK QADAMLARI. *Science and innovation*, 1 (C2), 36-38. doi: 10.5281/zenodo.656980